



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 29 август, № 169 (5843)

Пайшанба

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистон!

...Бахши дўмбирасига усул бериб, сайратиб турди,
эшитувчини яйратиб турди. Сўнг бирдан Сурхон элининг
кечасию бугунини дoston қилиб куйлай кетди...



Сурхондарё вилояти:

ИНТИЛИШ, БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК

Кўркам ва ораста Термиз

Термиз шаҳрида кейинги беш йил ичида асрларга татишлик қурилиш, бунёдкорлик ишлари бажарилдики, бундан ҳаммининг баҳридили очилади. Кенг ва раво кўчаларни ёқалаб қад ростлаган маҳобатли бинолар, сўлим истироҳат боғлари ва ям-яшил хиёбонлар киши хайратини оширади. "Алломист" кураш мажмуаси, "Амфитеатр" атрофидаги кўл ва боғлар ажиб микроклим яратган. Ушбу масканлар

рўпарасидан Термиз археология музейи жой олган. Термиз давлат университети янги биноси, муҳташам "Бахт уйи"га ҳам меҳмонлар ҳавас билан боқишмоқда. Айниқса, бундан икки йил муқаддам "Баркамол авлод" спорт ўйинлари муносабати билан қурилган "Сурхон" спорт мажмуи ёшларнинг сеvimли маскани ҳисобланади. Бу ерда нуфузли халқаро мусобақалар ўтказилмоқда. Хусусан, яқинда мажмуа Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб уюштирилган турнирга меъзонлик қилди. Унда қатнашган 40 га яқин дав-

латлар спортчилари нафақат 10 минг кишилик ушбу иншоотга, балки шаҳардаги ободлик ва орасатлик ҳам юқори баҳо беришгани кишида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Шаҳардаги бунёдкорлик ишлари мамлакатимиз Муस्ताқиллигининг 22 йиллиги шодиёналарини арафасида янада жадаллашган. Яқинда бу ерда 2 та кўп қаватли уй-жой биноси фойдаланишга топширилди. Барча кулайликларга эга бўлган мазкур кўркам иморатларнинг биринчи қаватидан турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган.

Қишлоқнинг замонавий уйлари

Бугун воҳанинг қайси жойига борманг, хайрли ишлар шохиди бўласиз. Хусусан, туманларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган тураржойлар кишини эътиборсиз қолдирмайди. Кейинги тўрт йилда вилоятда бундай уйлاردан 2 минг 75 таси фойдаланишга топширилган. Шундан далолатдир. Жорий йилда эса воҳанинг 23 та массивида 810 та намунавий уй-жой қурилиши мўлжалланган бўлиб, айти пайтда бунёдкорлик юмуш-

лари изчил давом эттириляптир. Сариосиё туманига қираверишда жойлашган Наврўз маҳалласи ҳудудидаги 55 та уй-жой ўз эгаларига топширилди. — Шу уйлاردан 4 хоналисига тўловни амалга оширгандик, — дейди тадбиркор Бахтиёр Назаров. — Мана, оила аъзоларим билан олти сотихдан иборат ҳовлида яйраб яшаймиз. Мўҳими, ҳовли барча кулайликларга эга. Қўчиб қирганимизда ўғилларим Азизбек ва Мўҳаммаджоннинг ўзиде йўқ қувонганлари бир умр ёдимдан чиқмас керак.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Муस्ताқилликнинг илк йилларидаёқ Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "Ўзбек модели" амалда ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бунинг юртимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиб, халқимиз фаровонлиги изчил юксалиб бораётганлиги мисолида яққол кўриш мумкин.

Иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили

Мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, тадрижий ривожланиш йўли ҳамда маш-хур беш тамойил асосида барпо этиладиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мазкур модели тарихан қисқа муддатда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг мустақкам пойдеворини яратишнинг таъминлади, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига ишончли равишда қарши туриш, дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг юксак суръатларига эришиш имконини берди. Ушбу ислохотлар самарасини юртимизда сўнгги йилларда яқини маҳсулот йиллига 8 фоиздан кам бўлмаган даражада ўсиб бораётгани, мазкур кўрсаткич 2000 йил билан солиштирилганда, 2,9, саноат маҳсулотлари ишлаб

чиқариш бўйича 2,6 марта ошгани, иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 3,4, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 20 баробардан кўпроққа ўсганида кўришимиз мумкин. Ўз навбатида, бу чет эл инвесторлари киритган сармоялар ўзини оқлаши ва мамлакатимизда бизнес қоидаларининг ҳеч қачон бузилмаслигига бўлган ишончини билдиради. Шунинг учун ҳам мамлакатимизга киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқими кескин ортиб бормоқда. Шубҳасиз, мазкур жараёнлар юртимизнинг жаҳон бизнес олами, дунё ҳамжамиятига дадил кириб бораётгани, дунё молия-банк институтлари республикамизга юксак ишонч билан қараётганидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).



Илмий-назарий анжуман

Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивали доирасида "Шарқ мусиқа аъёналари замонавий маданият тизимида" мавзусида халқаро илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош директори И. Бокова Президент Ислоом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бугунги кунда нуфузи жиҳатидан дунёда ўтказиладиган мусиқа байрамлари ичида ўзига хос ўрин тутишини алоҳида таъкидлади. Анжуманда Германия, Канада, Норвегия, Россия, Ҳиндистон, Япония, Корея Республикаси, Миср, Турк-

манистон каби йигирмага яқин мамлакатлардан етакчи мусиқашунос, санъатшунос, манбашунос ва тарихчи олимлар маърузалар билан қатнашди. — Дунёга донг таратган мазкур ажойиб фестивалда иштирок этиш мен учун улкан шарафдир, — дейди АҚШлик бастакор, продюсер ва режиссёр Ловел Томас Жеймс. — Турли миллат ва элат вакиллари, турфа маданиятларга мансуб ижод-

корларни мусиқа, рақс воситасида эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилаётган мазкур анжуманнинг нуфузи йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Фестиваль доирасида ўтказилган ушбу илмий-назарий конференция жараёнида Шарқ мусиқаси тарихи ва назарияси, мусиқашуносликда янги услубий ёндашувлар, бу йўналишда турли мамлакатларда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар,

айниқса, Ўзбекистонда бу борада ортирилган тажрибалар юзасидан эзгу фикр-мулоҳаза алмашиш яқини самаралар бериши, шубҳасиз. Конференцияда Шарқ мусиқа маданиятини тадқиқ этишда янги услубий ёндашувлар, мусиқа манбашунослигида эришилган ютуқлар, миллий мусиқа аъёналарини тарғиб этишда халқаро фестивалларнинг, хусусан, "Шарқ тароналари" фестивалининг аҳамияти каби мавзуларда маърузалар тинланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов сўзга чиқди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар ҳар қандай кишини ҳайратга солади»

Санъат дилларни дилларга боғлаб, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустақкамлашга хизмат қилади. Бу борада, айниқса, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг аҳамияти беқиёс. Президентимиз мазкур анжуманнинг тантанали очилиш маросимида таъкидлаганларидек, айнан Самарқанд заминиде пойдевор қўйилган "Шарқ тароналари" фестивалининг ўз олдига қўйган гоё ва мақсадларини қисқача ифода қилаётган бўлсақ, улар, авваламбор, мусиқа санъатини улуғлашга, унинг одамларга бўлган таъсирини ошириш, эзгу орзу-умидларни мусиқа орқали тараннум этишга ва шу асосда бизни тўлқинлантириб юборди. Негаки, ҳеч қайси давлатда маданият, санъат ривожига бу қадар юксак эътибор берилмайдди. Биз бунинг жуда кўп мамлакатларда ижодий сафарларда бўлган жамоа сифатида айтаямиз. Аслида турли мамлакатлардан келган халқлар мусиқасини англаш учун уни қалбдан ҳис қила олиш

дунёдаги турли миллат ва элатларнинг вакилларини ҳеч қандай таржимонсиз бир-бирига боғлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустақкамлашга қаратилгани билан, айниқса, эътиборлидир. Давлатимиз раҳбарининг бундай қанотбахш сўзларидан илҳомланган хорижлик санъаткорлар, ижодий жамоалар ўз иқтидорларини намойиш этиш билан бирга, кўнра кентнинг тарихий обидаларини муқаддас қадимжоларини ҳамда шаҳару қишлоқларимизда рўй бераётган ўзгаришларни кузатишмоқда. Биз улардан айримларининг фикрлари билан қизиқдик. лозим. Ана шу маънода "Шарқ тароналари" фестивали тили, миллити, ирки, дини турлича бўлган халқларни ҳамжиҳатликка қорлаётган, бебаҳо неъмат — тинчликни тараннум этувчи қўшиқлар яратишга ундаётган бетақрор фестивалдир.

(Давоми 2-бетда).



ОНА-ЗАМИН САҲОВАТИ

Тунов кунни Гулистон бозориде бир узумни кўриб, рости, ҳайратландим. Тим қора. Ҳар донаси беданнинг тухумидек келади. Сотувчининг сўзларига эътибор қилдим: "Бу узумлар ўзимизнинг Сурдарёники. "Ризамат ота"ни Маликдан келтиришган. Мана бу "Ҳусайни" билан "Чарос" Гулистон тумани боғларида етиштирилган".

Оталарига раҳмат, Мирзачўл шароитида шундай навор узумларни етиштирган боғбонларнинг. Хабарим бор, кўп фермерлар боғ қилиб, мўл-кўл мева-чева етиштиришяпти. Одам буйидек келадиган олмасорларни-чи?! Айтишларича, шундай дарахтчаларни уй ичида ўстирса ҳам бўлармиш. Қойил-эй. Қўчатчилик хўжалигида қанча йил бригадирлик қилиб, бундай аломат ишларни кўрмаман-а.

Янгиердан Гулистонга бораётиб, йўл ёқасидаги "Яшиллик ҳам мамлакат маданиятидир", деган ёзувни ўқиб қолдим. Ҳақ гап. Дов-дарахти кўп уйда, кўчада, қишлоғу шаҳарда файз-баракка, кўрку тароват бўлади. Бугун қаерга борманг, одамларнинг бир чўпни ерга суқиб бўлса-да, дарахт қилишга интиляпти. Билсангиз, бизнинг маҳалладагилар бир-биридан "Ҳовлингде нечта дарахт қилдинг", деган саволни ҳам ҳол-аҳвол сўраш таомилига киритиб олишган.

Бир жойга бораганда юртимизнинг муҳташам иморатлар билан кўркамлашганини кўриб, бир суносам, темир-бетон майдонлар ўрнида пайдо бўлган ҳам-кўк майсалар, турфа гулу гўлзорларни кўриб яна бир қувонаман. Турпоғимиз олтин, халқимизнинг қўли гул деб, бежиз айтишмаган-да ўзи.

Рўзбой РАЙИМКУЛОВ, боғбон.
Ховос тумани, Файзобод маҳалласи



2013

2008 йил

Мамлакатимизда "Ёшлар йили" деб эълон қилинган мазкур йилда эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг чукор билим олишлари ва замонавий касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишлари билан бирга айланди. "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан бир триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Президентимизнинг Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида Афғонистон муаммосини фақат ҳарбий куч ишлатиш йўли билан ечиб бўлмаслиги, БМТ шафелигида қўшни мамлакатлар ҳамда Россия, АҚШ ва НАТО вакилларидан иборат "6+3" мулоқот гуруҳини шакллантириш зарурлиги борасидаги тақлифлари халқаро жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди ва эътироф этилди.

Академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари Қорақалпоғистон Республикаси меъзонлик қилди. Шу муносабат билан бу ерда "Турон" стадиони замонавий меъморчилик андозалари асосида қад ростлади, қўллаб-қувватланди, сузиш ҳавзалари бунёд этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қўшма қарорига мувофиқ, Олий Мажлис ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси фаолияти йўлга қўйилди.

Асақадаги заводда бир миллионинчи автомобиль ишлаб чиқарилди.

Пойтахтимизда Сингапур менежментини ривожлантириш институти ўз фаолиятини бошлади.

«Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар ҳар қандай кишини ҳайратга солиди»

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Жумладан, биз ҳам тинчлик, хотиржамликни, оёқ-қўлларини ҳаётни маънавияти билан ўзбекистонга ташриф буюриб, одамларнинг самимиёлиги, бир-бирига меҳрибонлиги, меҳмондўст эканлигини кўриб ҳавас қилдик. Нафақат шахарлар, балки қишлоқлар ҳам гўзаллашиб кетибди. Туманларга дастуриймизни намойиш қилиш учун борганда, бепоеён далаларни, боғларни, экзорларни кўриб, кўзимиз қувонди. Шохидан узилган меваларнинг мазаси бир умр озғимизда қолиши аниқ. «Шарқ тароналари» фестивалига келган юзлаб меҳмонларга юксак эътибор кўрсатилаётганлигини баҳад миннатдоримиз.

Ли Минёнг, Жанубий Корея:

— Ўн икки кишилик гуруҳимиз билан Ўзбекистонга ташриф буюриб, одамларнинг самимиёлиги, бир-бирига меҳрибонлиги, меҳмондўст эканлигини кўриб ҳавас қилдик. Нафақат шахарлар, балки қишлоқлар ҳам гўзаллашиб кетибди. Туманларга дастуриймизни намойиш қилиш учун борганда, бепоеён далаларни, боғларни, экзорларни кўриб, кўзимиз қувонди. Шохидан узилган меваларнинг мазаси бир умр озғимизда қолиши аниқ. «Шарқ тароналари» фестивалига келган юзлаб меҳмонларга юксак эътибор кўрсатилаётганлигини баҳад миннатдоримиз.

Гертруда Мария Хюбер хоним, Германиялик тадқиқотчи:

— Дунё халқлари мушқа маданияти бўйича илмий изланишлар олиб бораётганлиги сабабли «Шарқ тароналари» билан яқиндан танишиш мен учун катта имконият бўлди. Тадбир доирасида ўтказилаётган илмий конференцияларда қатнашиш жараёнида шунга амин бўлдимки, Ўзбекистонда аждодлардан қолган бой маданий-маънавий мерос юксак қадрланаётган. Бу юртининг санъати ҳам узоқ мезгилга тақалиши, ўтмишда ҳам санъат асарлари яратилганлиги барчага маълум.

Николайтис Раймундас, Литва:

«Диота» фольклор ансамбли раҳбари: — Литваликлар Ўзбекистон ва унинг афсонавий шаҳри Самарқанд ҳақида яхши билишди. Меҳмондўст халқингизни жуда-жуда ҳурмат қилди. Ўтган йил саккизинчи фестивалда биринчи ўрин соҳиб бўлган эдик. Бу сафар бошқа ансамбль билан қатнашаёلمиз.

Қаранг, ўшандан бери орадан икки йил ўтди-ю, Самарқанд шаҳрида қанчадан-қанча ўзгаришлар содир бўлибди. Замонавий, кўркам бинолар қад ростлаб, хиёбонлар ташкил этилибди. Кенг, раvon йўллар қурилибди. Бундай ўзгаришлар ҳар қандай кишини ҳайратга солиди.

«Халқ сўзи» мухбири Мамадиёр ЗИЁДИНОВ ёзиб олди.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда бир қатор маърузаларида илгари сурилган ғоялар, қўйилган ўстувор вазифалар иқтисодий тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Жумладан, уларда республика молия-банк тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг барқарорлигини ошириш, банклар фаолияти ҳамда бугун молия-банк тизимини баҳолаш ёндашуви ва тизимларини такомиллаштириш, банк фаолиятининг ташкил этилишини умумқабул қилинган халқаро меъёри, андоза ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ янада юқори даражага кўтаришни таъминлашга катта эътибор қаратилди.

Шулар асосида пухта ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар комплекси ҳаётта татбиқ этилди. Пировардида юртимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичларни намоён қилиб келмоқда. 2012 йилда банк тизимининг жами капиталли 24,3 фоиз, сўнги уч йилда икки баробар кўпайди. Айнаи ҳолда капиталнинг етарлилик даражаси 24 фоиздан ошиб, бу қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар зиёддир. 2012 йил якулини бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан ортоқда. Бу эса талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар юқори кўрсаткич. Шуларга муштарак равишда 2010 йилда мамлакатимизнинг атиги 13 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 29 гага етди.

Дарҳақиқат, республикамизда банк-молия ислохотларини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришда парламентар ислохотларининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлмоқда. Айниқса, икки палатали парламентар ташкил этилиши қонунларни қабул қилишга профессионал ёндашувни юзага келтириб, қонунчилик жараёнининг янада мукаммаллаштиришига хизмат қилди. Чунки, қўйи палатада Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ташкил этилиши натижасида иқтисодий, банк-молия соҳасига оид қонун лойиҳаларини тайёрлаш,

уларни экспертизадан ўтказиш ҳамда кенг муҳокамасини олиб бориш ишлариға эътибор кучайтирилди. Фракциялараро курашнинг янада демократик механизми жорий этилаётгани, қолаверса, жойларда сайловчилар билан учрашуварда билдирилган фикрлар, таклиф ва тавсиялар, халқаро тажрибадан қонунчилик жараёнида кенг фойдаланилаётгани ҳам қонунларнинг пухта-шиқ қабул қилинишига замин яратмоқда.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки

ро мезонлар бўйича «ўртачадан ҳам кам» даражада баҳолангани бунинг тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз иқтисодийнинг ҳар томонлама барқарорлашувиға автотомобилсозлик, кимё, енгил саноат, хусусий сектор ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аграр секторни қайта янгилаш, фермерлик ҳаракати қўламини кенгайтириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликқа қўлай муҳит ва эркин шaroит яратилиши муҳим ўрин эгаллади. Буларнинг натижасида

орқали солиқ тушумлари олишириб бориш, иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш орқали барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва бюджет ҳаражатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтириш асосий йўналиш этиб белгиланди.

Буларга муштарак тарзда ўша таҳликали пайтларда муҳтарам Президентимиз томонидан мавжуд вазият чуқур таҳлил қилинган ҳолда, миллий банк-молия тизими ҳам тубдан ислох этилди. Бунда республикамиз молия бозорига қисқа муддатли спекулятив капитал киришига йўл қўймаслик ва хориздан тўридан-тўри инвестицияларни реал секторга жалб қилишга асосий эътибор қаратилди. Шунингдек, иқтисодиётнинг ўстувор соҳаларини молиялаштириш учун давлат қаролати остида олинган кредитларни фақат узоқ муддатларга, яъни 20 йилдан 40 йилгача

барқарор бюджет, пул-кредит тизими вужудга келди, чет эл инвестициялари фаол жалб қилинаётган, экспорт салоҳияти юксалиб, унинг таркибиде тайёр маҳсулотлар ҳажми ортоқда.

Кўпчиликнинг эсида бўлса керак, мамлакат эндигона мустақилликка эришган вақтда бюджет тақчиллиги 60-65 фоизни ташкил қилар, иқтисодиёт фақат қишлоқ ҳўжалиғига боғланган эди. Ана шу таҳликали ҳолатда Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда кечяётган инқироз шароитида ҳам ўзининг ишончли эканлигини исботлаган тараққиётнинг «Ўзбек модели» эзгу макссалдаримиз, қатъий интилишларимизга бош дастурил-амал бўлди.

Шу асосда солиқ сиесатида олиб борилаётган тизимли ислохотларни олиб кўрайлик. Мустақилликнинг илк йилларидан давлатимиз раҳбари томонидан солиқ-бюджет сиесатини амалга оширишда солиқ ставкаларини пасайтириб бориш ва аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, солиқ ставкаларини унификациялаш ҳамда солиқ солиш базасини такомиллаштиришда иқтисодий чораларни кўриш

ҳамда имтиёзли ставкаларда, хусусан, 0,5 фоиздан 2 фоизгача бўлган мизонларда жалб этиш белгилаб олинди.

Тижорат банкларининг кредит сиесатини белгилашда эса ипотека кредитлари бериш тартибига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда ажратилаётган ипотека кредитлари ҳажми банк капиталига нисбатан 15 фоиздан, жами кредит портфелига нисбатан эса 20 фоиздан ошмаслиғи мустаҳкамлаб қўйилди. Айнаи пайтда тижорат банклари активлари диверсификациялаш, кўчмас мулк бозорига спекулятив капитал киришининг олди олинди ва энг асосийси, банк тизимининг соломчилиги эришилди. Юқоридагилар билан бир қаторда, миллий бойлигимизни асраб-авайлаш, ундан самарали фойдаланиш ва мустақил молиявий сиесат юритиш имконини берувчи манбаларни шакллантириш вазифаси белгиланди. Шунга бинаоан, Ўзбекистон Республикаси Тикланш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди. Унинг маблағлари ҳисобига ўстувор лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек, республика етакчи банкларининг капиталлашув даражасини кескин ошириш вазифаси қўйилди.

Муҳтасар айтганда, ушбу долзарб вазифаларнинг ички ва тизимли ижроси юртимиздаги барқарор юқори иқтисодий ўсиш, аҳоли даромадларининг ортиб бориши, энг муҳими, турмушимиз ободлиғига хизмат қилмоқда.

Қобилжон ТОШМАТОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили

тўғрисида"ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги, «Истеъмол кредити тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкиллари тўғрисида»ги, «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг ўз вақтида қабул қилиниши ва такомиллаштирилиши бу борада катта аҳамият касб этди. Шу билан бир қаторда, бугунги кунда кўмитамиз қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижроси устидан парламент назоратини кучайтириб бораётгани ҳам иқтисодий юксалишларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда яна бир гап. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақлана қолаёттир. Шундай мураккаб бир шароитда Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта йўланга сиесат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолиш ва унинг ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обуру-эътиборини сақлашга эришилди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташки қарзлари миқдори яъни икки маҳсулотга нисбатан 16 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқа-

олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Булангич геология-қидирув маълумотиға кўра, бу ерда катта миқдордаги яримметалл захиралари мавжуд бўлиб, уларнинг таркибиде рух, кўрғошни, мис, қумуш ва бошқа рангли металллар бор. Президентимиз ташаббуси билан ушбу бебаҳо хазинани ўзлаштиришга 71 миллион АҚШ доллари миқдоридеги инвестиция йўналтирилди.

Вилоят ҳудудида кўмир конлари ҳам беҳисоб. Шарғун, Тўда, Фангат, Санжар, Вандоб, Қизил олма кўмир конлари шулар жумласидандир. Биргина Шарғун кўмири захираси 62 миллион тонна бўлиб, у халқаро технологик талабларга тўлиқ жавоб беради. Бойсун тоғларидаги Тўда кўмири қони ёқилиб, карбит, фаоллашган кўмир, графит электродлари, қалам маҳсулоти, радиотехника деталлари, тиббиёт учун дори воситалари ишлаб чиқаришда қўл келиши билан ажралиб туради. Шу ўринда юртимизда таълим тизимини қалам билан таъминлашга 600 минг АҚШ долларилик маблағ сарфлангани ва келгусида ушбу муаммон Тўда кўмири захиралари ҳисобидан осонгина ҳал қилиш мумкинлигини мамнуният билан айтиш жоиз. Воҳадаги Ҳўжайкон туз қони захираси 50 миллион тонна шун ташкил этади. Мамлакатимиз аҳолиси эҳтиёжи учун йилгича 120-130 минг тонна ош тузи ишлатилишини ҳисобга оласак, захира 200 йилга етади. Айнаи пайтда бу қонда маҳсулотни сифатли қадоқлаш технологиялари келтирилиб ўрнатилмоқда.

Умуман, Сурхон заминиде амалга оширилаётган салмоқли ишларни ва қўлга киритилаётган ютуқларни бир мақолаға жо қилиш қийин. Ушбу заминда истиқлол қўеши порлагандан буён шунчалик қўп юмушлар бажарилдики, уларнинг ҳар бири бахшлар томонидан достон қилиб айтишга арзийди. Зеро, халқ дилидан абадий жой олган достонлар тинчлик-товушлик ҳўкм сурган, ҳар куни янгилик қўл урилайётган замин ва замонда яратилди ва мангу яшаб қолади.

...Баҳиш енгил тин олди. Жисмонан толиққан бўлса-да, руҳан тешик. Утирган жойидан ажбизлик билан туриб, қўлданги дўмбрасини неварасига тутқазди. Бу билан «Энди сен айт», дегандек бўлди.

Нормурод ТЕМИРОВ,

«Халқ сўзи» мухбири.



Шоурот ШАРПАНОВ олгон суратлар.

ҲАР КУНИМИЗ — ҚАДРЛИ!

Вақтининг шиддатини қаранг. Ҳар кунимиз янгиликка бой. Ҳар соатда ўсиш-ўзгаришлар. Ҳўш, буларға нималар ҳисобига эришялмиз, турмушимиз ободлигининг омили нимада? Эртанги кунга бўлган ишончимиз тобора ортиб бораётганининг-чи?

Албатта, буларнинг барчаси, аявало, юртимиздаги тинчлик ва осудалик шароити, истиқлол ислохотлари самарасидир.

Узим фермер бўлганим учун фикримни фермерлик ҳаракати мисолида давом эттирай. Утган қисқа давр мобайниде фермерлик иқтисодиётимизнинг муҳим таянғига айланди. Энди деҳқон кимўзарға ёки қимларнингидир манфаати йўлида тузилган режа учун ишламапти. Бугунги деҳқоннинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади бор. У фақат галла ва пахта етиштирувчи оддий миришкор эмас, серқирра тадбиркор ҳамдир.

Биргина жорий йилнинг ўтган даврида вилотимиздаги мавжуд 574 та қўп тармоқли фермер хўжалиғи томонидан 516 та истиқболли лойиҳа амалга оширилиб, 2,5 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг ташаббуси туфайли қорамолчилик, паррандачилик, асаларчилик, балчиқчилик каби йўналишлар жадал ривожлантирилмоқда. Жаҳоннинг энг илгор технологиялари асосида сифатли ва ҳаридорғир озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётганини айтмаймизми?! Қолаверса, фермер жойларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида, маҳалла-қўп юмушларида ҳам бошқоқи, ҳўшми. Мана шунинг ўзиёқ оддий деҳқонга, ер эгасига берилган эркинликнинг натижаси эмасми?!

Рости, яратилган бундай имконият ва шарт-шароитлар фермерларни янада фаол бўлишга ундаб, янгиликка иштиёққанд қилиб қўйдиди. Бунинг амалий кўриниши эа ён-атрофимиздаги ўзгаришларда яққол намоён бўлмоқда.

Исомиддин ҲЎҚОВ,

Новоий вилоти фермерлар кенгаши раиси, Навбахор туманидаги «Мартабали» фермер хўжалиғи раҳбари.

1991



Шоурот ШАРПАНОВ олгон суратлар.

2013

2009 йил

• Президентимиз таклифи бинаоан, «Қишлоқ тараққиети ва фаровонлиғи йили» деб номланган ушбу йилда мамлакатимиздаги қишлоқларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси янада ривожлантирилди, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлиғи оширилди, қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналар барпо этилди. Қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш сифатини юксалтириш бўйича кенг комплексли чора-тадбирлар амалга оширилди.

• «Қишлоқ тараққиети ва фаровонлиғи йили» Давлат дастуриға мувофиқ, юртимизда «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Агробанк» акциядорлик тижорат банклари иш бошлади.

• Тошкентда Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни барқарор этиштириш йўллари ва чоралари» китобида баён қилинган материаллар, қоида ва хулосалар юзасидан халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 60 мамлақати ва 30 халқаро ташкилотлари ҳамда молия институтларидан 350 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнес вакиллари, дипломатлар, олим ҳамда экспертлар қатнашди.

• Гулистон шаҳрида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2009» республика спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

• Давлатимиз раҳбарининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қишлоқ аҳоли пунктларида яқна тартибдаги янги уй-жойлар бунёд этилишиға кенг йўл очди.

• Самарқандда «JV MAN Auto — Uzbekistan» қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган «MAN» русумидаги оғир юк ташувчи автомобилларға МДХ мамлакатлари харидор бўлмоқда.

• Президентимиз Тошкент шаҳри марказида қад ростлаган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи билан танишди. Давлатимиз раҳбари саройнинг тархи, дизайни, ёритиш тизимини юқори баҳолади. Сарой фойёсиде ранглар мутаносиблигини таъминлаш, томошабинлар учун қўшимча қўлайликлар яратиш, бинао атрофида ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишларини янада кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

• «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиғига бағишлашган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Президентимиз ушбу тантананда Тошкент шаҳриға «Мустақиллик» орденини топширди.

Сурхондарё вилоти:

ИНТИЛИШ, БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК



(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ёшлар учун КЕНГ ИМКОНИАТ

Бугун ёшларнинг замони келди. Ҳозир вилотда 5 та академик лицей, 116 та касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Мазкур таълим муассасаларида 8520 нафар педагог ва муҳандис 107 та таълим йўналиши бўйича ўқувчиларға таълим-тарбия бериб, касб-хунар сирларини ўргатмоқдалар. Жорий йилда академик лицей ва коллежлари 43 минг 240 нафар ўғил-қиз битириб чиқди. Эътиборлики, воҳалик 41461 нафар коллеж битирувчиси билан корхоналар ўртасида уч томонлама шартнома-лар имзоланди. Бу уларнинг 95,9 фоизи кафолатли иш ўринларига эга бўлди, деганидир.

— Ёшларни иш билан таъминлаш долзарб вазифалардан бири, — дейди Термиз ижтимоий-иқтисодиёт коллежи директори И. Ботиров. — Юртимизда ишлайман деган кишиға иш, ўқийман деганға ўқиш учун имконият етарли. Вилотимизда ҳам ёшларнинг чуқур билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун барча шарт-шароит мавжуд. Жорий йилда кўплаб битирувчиларимиз «Еш тадбиркор — юртға мададкор» бизнес лойиҳалар танлови ҳудудий босқичида иштирок этди. Уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун тижорат банкларида кредитлар олиб, янги иш ўринлари яратяётганликлари, айниқса, қўвонарлидир.

Саноат истиқболи порлоқ

Вилотдаги янгилашлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг за-

мирида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бир пайтлар аграр ҳудуд ҳисобланган воҳани саноатни ривожланган вилотға айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар муҳимасам.

Дарҳақиқат, Термиз шаҳри ва туманларда хоржик технологиялари билан тўлиқ жиҳозланган янги корхоналар ишга туширилиб, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш салоҳи ортимоқда. Жумладан, Термиз туманидаги «Мадад Намуна» корхонасида модернизация ишлари бажарилғач, ишлаб чиқариш қуввати икки марта ошди ва кунига 2 минг дона шифер тайёрлаш имконияти яратилди. Тадбиркор Р. Норҳамидов эса технологик янгилашнинг 151 минг АҚШ долларлик кредит



Воҳада саноат тармоқларини ривожлантириш, тадбиркорларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига изчил жалб этиш борасида жорий йилнинг 6 ойида амалга оширилган ишлар натижасида ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес улуси 61,3 фоизни ва хизмат улуси эса 56,5 фоизни ташкил этди. «Обод турмуш йили» Давлат дастуриға кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун жорий йилнинг ўтган даврида ти-



Шоурот ШАРПАНОВ олгон суратлар.



Машҳур сурфур

МАҚСАДИМИЗ УЛУФ, АҲДИМИЗ ҚАТЪИЙ

Халқаро миқёсдаги йирик мусобақаларда машҳур теннисчиларнинг номлари эълон қилиниб, кўрта тақлиф этилганида, томошабинлар уларни олқишлар билан қўшиб олишни ойна жаҳон орқали кўп қўзатаман. Мана шундай марраларга эришишни ўйлаб, юрагим ҳақиқатда...

Албатта, бундай ютуқларга шунчаки ҳавас билан эмас, балки яхши ўқиб, шугулланиб, жисмонан кучли бўлиш орқалигина эришиш мумкин. Шу боис астойдил машқ қилаётман.

Сизга айтаман, республика Олимпия захиралари теннис мактабида тахсил олаётганимдан фахрланаман. Таълим дароҳимиздаги шароитлар зўр. Кўрган одам хайратдан кўз узолмайди. Ҳатто, энг ривожланган давлатлар спортчилари ҳам таширфи бўлганда, ҳануз манг бўлиб қолишганига гувоҳман. Замонавий кортлар, спорт жиҳозлари, тренажер заллари, сауналар... Барчаси аъло даражада.

Республика миқёсдаги турли мусобақаларда қатнашиб, ҳозиргача бир қатор ютуқларга эришдим, Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Секунда халқаро майдонларга ҳам чиқаяман. Шу йилнинг март ойида Филиппинда 14 ёшга бўлган болалар ўртасида ташкил қилинган Осиё чемпионатида иштирок этдим. Апрель ойида эса Малайзияда ўтказилган Жаҳон кубоги мусобақаларида қатнашдим. Булар нуфузли турнирларнинг "ҳавоси"ни олиш, тажриба орттириш учун катта мактаб вазифини ўтаб берди.

Насиб қилса, яқин келажакда дунё теннис таснифининг энг олдинги ўринларида юртимиз спортчиларининг номи кўнаради. Одамлар Рафаэль Надаль, Роджер Федерер ёки Новак Жокевич ўрнига Ўзбекистон вакиллари ҳам номини ҳурмат билан тилга оладилар бўлади. Биз буни, албатта, уйдalayмиз!

Азизхон ТУРҒУНОВ, теннис бўйича хўшмураб ўртасида Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирлар иштирокчиси.

Иқтидорли ёшлар медиа-оромгоҳи

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида жойлашган "Бўстон" сўхатгоҳида ёш журналистлар учун ташкил этилган "Келажак овози — 2013" ёзги медиа-оромгоҳи фаолиятини якуналади.

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2013»

"Обод турмуш йили" Давлат дастури ҳамда Вазирил Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ижроси доирасида ўтказилган тадбирда "Келажак-пресс" матбуот маркази журналистлари, "Келажак овози" газетаси муҳбирлари ва олий ўқув юрталарининг журналистика факультетларида тахсил олаётган иқтидорли йигит-қизлар босма ҳамда интернет журналистика соҳаси бўйича ўтказилган маҳорат сабақларида иштирок этишди.

Худудларда камол топаётган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим омили бўлмоқда. Бинобарин, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг йилгирма икки йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтказилган замонавий босма ахборот ва коммуникация технологиялари, интернет тизимини ривожлантиришга оид тадбирлар ҳам ана шундай эзгу ишлар сирасидир.

Ёзги ўқув оромгоҳи, аввало, ёш журналистларнинг соҳага оид билим ва малакасини, профессионал маҳоратини ошириш, уларнинг ижодий салоҳияти ҳамда касб малакасини юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Зеро, ўқув-семинарлар давомида юртимизнинг малакали мутахассислари иштирокида ёшлар билан назарий ҳамда амалий машгулотлар ўтказилди.

Ўқув оромгоҳида журналистика сир-асрорларини янада чуқурроқ ўргандик, — дейди "Келажак овози" ЁТМ фаоли Доно Каримова. — Айниқса, журналистнинг интернетда ижодий саҳифасини юритиши, матбуот ахборот манбаларини ташкил этиши каби қизиқарли мавзуларда амалий машгулотлар келгуси фаолиятимизда асқотади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Реклама ва эълонлар

ХўРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ 2013 йил 8, 10, 17, 24 ва 31 октябрь кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бериш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Table with 5 columns: T/р, Ном ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, Сотилаётган ҳўжалик жамиятининг устав фондидаги улуши, Савдога қўйилаётган улушнинг устав фондидаги фоизи (%), Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси. Rows include FARQ'ONA KIMYO ZAVODI, ASAKA MAK, SOG'DIANA PIPEPLAST, GAZALKENT STONE, ASIA SOKATO, and VODIY MUZQAYMOG'.

Очиқ аукцион шартлари: Очиқ аукцион қолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридида маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини бир йил муддатда сўтвувчининг ҳисоб рақамига тўлаш шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қўймагининг миллий валютасида қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хоржий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қўймагининг қолдиқ қисмига «Узмилийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағларни харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб бериш шарт билан сотилади.

Хўжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сўгурталаш билан боғлиқ харажатлар) очик аукцион савдосига ташкил қилинган комиссия томонидан тўловлар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар қўйидаги хўжатларни тақдим этишлари лозим: * юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, раҳбар тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқдан ва унинг паспортдан нусха, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қўнун хўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган хўжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

* жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қўнун хўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, ваколатли вакил шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган хўжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кўнлари мажур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо қўнундан икки кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдосига қўйилаётган «Farg'ona kimyo zavodi» МЧЖ улуши бошланғич баҳосининг 2 фоизи миқдоридида ҳамда қолган 5 та объект улушлари бошланғич баҳоларининг 10 фоизи миқдоридида закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шахнонхоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар, уларнинг қўрида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ аукцион савдослари белгиланган савдо қўнлари соат 15.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлис зал)ида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари: сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй, телефонлари: (8-371) 234-11-22, 234-15-60, тел./факс: (8-371) 234-43-31.

Савдо ташкилчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона, телефон: (8-371) 233-02-49, тел./факс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бериш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

1. Аукцион савдосига Гулистон тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 22 августдаги 2-177ж/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон тумани, «Амир Темур» СИУ, «Зарбдор» ҚФЙ ҳудудидаги, умумий ер майдони 570,0 кв.м.да жойлашган турарой тақороран арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 196 434 710 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 19 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 17 сентябрь куни соат 18.00.

2. Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2013 йил 3 июндаги 2-120ж/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Халқобод» ҚФЙ, Қўёш маҳалласи ҳудудидаги, умумий ер майдони 6318,0 кв.м.да жойлашган «Ниҳол» болалар богчаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 437 477 334 сўм. 3. Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 20 майдаги 12-1306/3585-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Узавтойўл» ДАК ҳузуридида Марказий ХДААЙСИТФга тегишли, Гулистон тумани, «Хамид Олимпон» СИУ, «Олтин Урда» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 953,6 кв.м., фойдаланиш майдони 171,7 кв.м.дан иборат идора биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 275 757 245 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 4 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 2 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бериш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдосига тақлиф этади. «Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 2 октябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бериш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 24 июндаги 10-1309-3210-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, «Олой дехқон возори» ОАЖ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 424,0 кв.м., фойдаланиш майдони 420,0 кв.м. булган кўчмас мулк биноси савдога қўйилган.

Бошланғич баҳоси — 488 030 000 сўм. Юқоридида кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

Хайрия акцияси

Сирдарё туманидаги «Аёллар мурувват уйи»да Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган «Саховат ва Мурувват уйлари — ёшлар эътиборида» акцияси доирасида хайрия тадбири ўтказилди.

ТАДБИР

Унда иштирокчилар дастлаб Мурувват уйи ҳудудини обод-донлаштириш ишларида хисса қўшилди. Бу ерда яшаётганлар билан уюштирилган сўхбатлар эса мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ишлохотлар ва уларнинг бекис самаралари ҳусусида бўлди. Шундан сўнг концерт дастури намойиш этилиб, иштирокчиларга байрамона кайфият улашилди.

Тадбир сўнгидида «Аёллар мурувват уйи»га Федерация томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Бундай хайрия тадбирлари Бухоро, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтимиздаги бир қатор Саховат ва Мурувват уйларида ҳам бўлиб ўтди.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚўМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН КАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РўЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ Тўғрисида 2013 йил 17 августдан 23 августгача бўлган МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1. «Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиотаншириш дастуруларини узатиш ҳамда тарқатиш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низомига ўзгариш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 16 августдаги 47-қис-сонли қарори.

2013 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1409-1 (2013 йил 26 августдан қўчга кирди).

2. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобоварлар режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 27 июлдаги 14/10-сонли қарори.

2013 йил 21 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-31 (2013 йил 26 августдан қўчга кирди).

3. «Табий монополия субъектларининг Давлат ресурстини тўзиш ва қўриш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгаришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 6 августдаги 01/17-26/08-сонли қарори.

2013 йил 21 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2147-1 (2013 йил 26 августдан қўчга кирди).

4. «Ҳаво транспортда йўловчи ва багаж ташини қондаларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошқирининг 2013 йил 29 июлдаги 27-қис-сонли буйруғи.

2013 йил 21 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2238-1 (2013 йил 26 августдан қўчга кирди).

5. «Истеъмолчиларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қўнун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан тахлил (ўрганиш, кўриқ) ўтказиш тартиби тўғрисидаги ўрнчмонни тасдиқлаш ҳақида» қарорга ўзгаришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 19 августдаги 01/20-26/10-сонли қарори.

2013 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2196-1 (2013 йил 26 августдан қўчга кирди).

6. «Ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Иқтисодий таъбирлиги, Молия вазири, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 7 августдаги 7/9, 39, 73, 10, 01-02/8-25-сонли қарори.

2013 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2502 (2013 йил 26 августдан қўчга кирди).

7. «Табий ҳимоятли объектларни сертификациялаш тартибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги бош қўмитасининг 2013 йил 31 июлдаги 36/08-сонли буйруғи.

2013 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 911-1 (2013 йил 26 августдан қўчга кирди).

8. «Стратегик ва монопол махсуслотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва қимматли савдоларига қўйилган назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» қарорга ўзгаришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 01/19-26/07-сонли қарори.

2013 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125-3 (2013 йил 26 августдан қўчга кирди).

9. «Тўрақой ва жомат биналаридан фойдаланишда, шунингдек, уларни жорий ва муҳим таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва ақолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 22 июлдаги 53-Б-сонли буйруғи.

2013 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2503 (2013 йил 26 августдан қўчга кирди).

10. «Ўзоқ масофада жойлашган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг вақти услуби ўзгаришига низомига 1.6-бандига ўзгариш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 29 июлдаги 3-сонли қарори.

2013 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 551-1 (2013 йил 26 августдан қўчга кирди).

Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулк 2013 йил 19 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, тақрорий аукцион савдоси 2013 йил 4 октябрь куни бўлиб ўтади.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўсарой» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улугбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Тошкент автомобиль-йўллар институтининг жамоаси Олий математика кафедраси доценти Тоҳир Ганиевич ИСАНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институтининг жамоаси Олий математика кафедраси доценти Тоҳир Ганиевич ИСАНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



ХАЛҚ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат
ХАЛҚ БАНКИ жамоаси халқимизни
Истиқлол байрами
билан табриклайди!

Юртимиз тинч, турмушимиз янада фаровон,
осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!



Xalq banki — doim siz bilan birga!



«ЎЗАГРОСУҒУРТА»

ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ (ОАЖ)

ЖАМОАСИ

юртдошларимизни
энг улуг, энг азиз айём —
Мустақилликнинг 22 йиллиги шодиёнаси
билан самимий муборакбод этади!

Осойишталик, фаровонлик,
аҳиллик жаннатмонанд мамлакатимизни
ҳеч қачон тарк этмасин!
Озод диёримиз мусаффо осмони узра ҳуррият қуёши
тоабд нур сочиб тураверсин!

Байрамнингиз қутлуғ бўлсин!



«MARKAZ SAVDO TEXSPORT»

ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳолисини

Мустақиллик кунини

билан самимий қутлайди!

Эзгу ниятлар билан Ватанимиз фаровонлиги йўлида олиб
бораяётган бунёдкорлик ишларимиз баъракам бўлсин!

Барчангизга сизга саломатлик,
байрам кайфияти тилаймиз.

Юртимизни тинчлик, хонадонларни
тойувлик, қалбларимизни эзгулик
ва шукроналик тўйғуларини
асло тарк этмасин!



Эълон

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Андижон вилояти филиали

бошланғич баҳоси боқичма-боқич ошиб бориш
тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига
таклиф этади.

Аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан
ЖИБ Андижон вилояти судининг 2013 йил 7 июндаги
2-33-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган
қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Андижон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 14-уйда
жойлашган, «Анд-Наврўз» МЧЖга тегишли, умумий ер
майdonи 1774,79 кв.м., умумий қурилиш майdonи
993,51 кв.м., умумий фойдаланиш майdonи 2749,42
кв.м. бўлган бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 699 153 014 сўм.

2. Андижон шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси,
10-уйда жойлашган, «Анд-Наврўз» МЧЖга тегишли,
умумий ер майdonи 5166,07 кв.м., умумий қурилиш
майdonи 2417,55 кв.м., умумий фойдаланиш майdonи
3365,07 кв.м. бўлган омборхона бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 649 555 031 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 4 октябрь кунини соат
11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат
10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан
14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул
қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 2 октябрь
кунини соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари
бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб
танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг
10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат
пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва
санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo
xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг Андижон
шаҳар ОАТ «Савдогар» банкининг қуйидаги ҳисоб
рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005,
МФО: 00081, СТИР: 207122519.

Манзил: Андижон шаҳри,
Навоий шоҳқўчаси, 30-уй, 105-хона.
Телефон: (8-374) 228-47-62. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюджет Г — 854. 79 620 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ҳамда оператор Ж. Тоғаев
томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — А. Орплов.
Набатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Набатчи — З. Анурова.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ
Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.55 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуңчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси